Фестивалда жисмоний хасталикларни бошидан кечирган, дунёнинг таниқли юлдузлари ҳам иштирок этди. Масалан, Мишель Тирабоско қўли йўқ мусиқачи, пан-флейтда ижро этиб, Катта Филармония залида чиқиш уюштирди ва Кичик Филармония залида эса яккахон коцерт дастурини берди.

Буюк Британиялик афсонавий, бастакор ва чолғу асбоблари ижрочиси, эшитиш қобилиятини йўқотган санъаткор Эвелин Гленни концерти-икки фестивал – «Оқ тунлар юлдузлари» ва «Учрашув томон қадам» фестивалларига ташриф буюрган петербургликлар ҳамда шаҳар меҳмонлари учун ҳақиқий совға бўлди. Фестивалнинг бадиий раҳбарларининг шахсий ташаббуслари туфайли, Эвелин Гленни Мариинский театрнинг Концертлар залида Валерий Гергиева бошчилиги остидаги Мариинский театрининг симфоник оркестри билан биргаликда концерт дастурини берди.

Фестивал кунларининг бирида, Россиянинг турли бурчакларидан тўпланган фестивал иштирокчилари ва шаҳар диаспоралари вакиллари, Петропавлов қалъаси майдонида тўпланишиб, кўп миллатли Санкт-Петербург анъаналарига содиқ қолиб, тадбир меҳмонларига ўзига хос ажойиб дастурни амалга оширдилар. Бу дастур томошабинларда катта таасурот қолдирди чунки, бир-биридан чиройли, ранг-баранг анъанавий миллий либослар фестивал иштирокчиларини эътиборидан четда қолмади.

Фестивалнинг асосий вазифаларидан бири-имконияти чегараланган болалар муаммоларига жамоа эътиборини жалб этиш, мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида улар ўзларини муносиб жойларини эгаллашларида кўмаклашишдан иборатдир. Яна шу томони инсонни қувонтирадики, бугунги кунда имконияти чегараланган болалар жисмоний соғлом болалар билан биргаликда ҳамкорликдаги ижодий дастурларда иштирок этмоқдалар.

**Анна Демидова**

**Носавдо ташкилотга юристлар, таржимонлар (ўзбек, тожик, қирғиз тилидан) журналистлар ва кўнгилли (волонтёр)лар ишга таклиф этилади. Қабул танлов асосида амалга оширилади. Рус тилини билиш талаб этилади. Шунингдек, ўзбек, тожик, қирғиз тилларини билиш, ҳамда меҳнат муҳожирлиги соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши маъқулланади. МДҲ давлатлари фуқаролари ҳам қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 8 (812) 309-73-06**

Россиянинг муҳожирлик хабарлари

# Қонун ва тартиб

***Ҳар куни бутун Россия бўйлаб, текширувлар ва тезкор профилактика тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. Бундай тадбирларда кўзланган мақсад, Россия Федерациянинг амалдаги қонунларини бузаётган ишчи ва иш берувчиларни аниқлашдан иборатдир. Бундай тадбирлардан «жавобгар» бўлиб қолмаслик учун, сизлардан фақатгина қонуний муҳожир бўлиш ва давлат қонунларини бузмаслик талаб этилади холос.***

## Шимолий ишчи

Мурманск шаҳрида 2012 йилнинг 18 июнидан 25 июнигача ўтказилган, «Ишчи» тезкор профилактика тадбирининг асосий мақсади, чет эллик ишчи кучларни ишга жалб этиш ва улардан фойдаланиш тартибини бузаётган, ҳамда Россия Федерацияси ҳудудида чет эл фуқароларини меҳнат ва бошқа фаолиятларидаги қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги мавжуд бўлмаган шахсларни иммиграцион қоидаларига риоя этишларини назорат қилишдан иборатдир.

«Ишчи» тезкор профилактика тадбири

Тезкор тадбир доирасида 84 нафар иш берувчи, булардан саноат соҳасида 4 та, қишлоқ хўжалиги бўйича-1, қурилиш-8, савдо-сотиқ-49, маиший хизмат кўрсатиш-4, паспорт-4, бошқа соҳаларда 14 нафар иш берувчи юридик шахслар, шунингдек, меҳнат фаолиятини олиб бораётган 106 нафар чет эл фуқаролари текширувдан ўтказилди. Муҳожирлик соҳасида қонунбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўртача статистика маълумотларидан анчагина кўп бўлган кўрсаткичлар аниқланган. Шундай қилиб, 55 та маъмурий жавобгарликка тортилиши керак бўлган, ҳолатлар фош этилган.

Ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун, жами бўлиб 357 минг рубл миқдорда маъмурий жарима солинган, шундан 222 минг рубли ундирилган.

## Ростовнинг иш кунлари

Ростов вилояти бўйича ФМҲБ ходимлари томонидан қурилиш объектида, ишга рухсатномаси бўлмасдан меҳнат фаолиятини олиб бораётган 60 нафар чет эллик фуқаролар аниқланган.

Бу чет эл фуқароларининг барчаси маъмурий жавобгарликка тортилганлар. 3 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Россия Федерацияси ҳудудида ноқонуний равишда юриб, айни вақтда уларга нисбатан реадмиссия жараёни бошланган. 9 нафар Тожикистон фуқаролари ҳам, Россия Федерацияси ҳудудида ноқонуний тартибда бўлиб, уларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилган ва бу ишни кўриб чиқиш учун ҳамда Россия Федерациясидан маъмурий тартибда бадарға қилиш қарорини қабул қилиш учун Ростов-на-Дону шаҳрининг Октябрский тумани судига юборилди.

## Сахалин хабарлари

Сахалин вилояти ФМҲБ ходимлари томонидан ҳуқуқ тартиботни, жамоат хавфсизлигини ва муҳожирлик барқарорлигини таъминлаш мақсадида, вилоятнинг икки туманида текширув тадбирлари амалга оширилди. Бу туманлар Анивский туманининг Успеновка қишлоғи ва Холмский туманининг Чепланово қишлоқларидир.

Ушбу ўтказилган текширув тадбирлари натижасида аниқланишича, 19 нафар чет эллик фуқаролар, сайёҳлик ва савдо визалари билан сабзавотчи сифатида меҳнат фаолиятини олиб боришган. Бундан ташқари, 43 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузилган. Қонунбузарликларнинг аксарият қисми, Россия Федерацияси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя қилмасликдан иборатдир. Барча қонунбузар фуқароларга нисбатан 2 мингдан 5 минг рублгача маъмурий жарима солинган. Жарималарнинг умумий қиймати 90 минг рублни ташкил қилади.

## Россия бўйича «Регион-Магистраль» текширув тадбирлари

**Ярославль.** 2012 йилнинг 20 июнь куни Ярославль тумани бўйича Россия ФМҲБ ходимлари томонидан «Регион-Магистраль» тезкор профилактика тадбири амалга оширилди. Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, муҳожирлик қонунчилиги соҳасида оммавий қонунбузарликларни аниқлашдан иборат.

Тадбир мобайнида чет эллик фуқароларни ишлатаётган 123 нафар иш берувчилар текширувдан ўтказилди. 116 та текширувлар турар-жой секторларида, 85 та текширув-чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни тўпланиб яшаш жойларида амалга оширилди. Текширув тадбирлари мобайнида муҳожирлик қонунчилигини 121 та бузилиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 56 таси-чет эл фуқароларини Россия Федерацияси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузилиши, 49 таси-чет эл ишчи кучларини жалб этиш ва фойдаланиш тартибларини бузилиши ҳолатларидир.

Шундай қилиб, Ярославль вилоятининг Некрасов тумани Диево-Городище қишлоғида Ярославль вилояти бўйича Россия ФМҲБ ходимлари томонидан 15 нафар чет эл фуқаролари (7 нафар Тожикистон, 4 нафар Ўзбекистон, 3 нафар Украина, 1 нафар Қирғизистон Республикалари фуқаролари) аниқланган. Бу ишчи муҳожирлар оддий ишчи лавозимида меҳнат фаолиятини олиб борганлар. Умуман текширув мобайнида, 27 та маъмурий баённомалар тузилган. Жами бўлиб 175 минг рублдан кўпроқ маъмурий жарималар солинган.

**Иванов вилояти.** Режадан ташқари ўтказилган текширув мобайнида 7 нафар Молдова Республикаси фуқаролари аниқланган, ушбу фуқаролар Иваново шаҳридаги қурилиш биноларидан бирида меҳнат фаолиятини олиб борганлар. Улар Иванов вилояти ФМҲБ томонидан бериладиган ишга рухсатномага эга бўлмасдан туриб, қонунга зид равишда ишлаб юрган эканлар.

Текширув тадбирлари мобайнида, жами бўлиб 56 минг рубль миқдорида маъмурий жарималар солинган. Барча чет эл фуқаролари маъмурий жавобгарликка тортилган. Юқоридаги Молдова Республикаси фуқароларига ҳам жами бўлиб, 14 минг рубль маъмурий жарима белгиланган.

**Алтай ўлкаси.** «Регион-Магистраль» тадбири мобайнида ҳуқуқ тартибот ходимлари Барнаул шаҳрида бир қанча Россия қонунчилигини бузилиш ҳолатларини фош этдилар. Маълум бўлишича, 7 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Россия Федерацияси ҳудудида белгиланган қонунларга зид равишда юрган эканлар. Кўрсатиб ўтилган чет эл фуқароларига нисбатан 7 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузилди. Уларга нисбатан жами бўлиб 14 000 рубль миқдорида маъмурий жарима солинди.

Бундан ташқари, Россия ФХХ Чегара Бошқармаси ҳамда Алтай ўлкаси бўйича минтақалараро автомобил йўлларини назорат қилиш давлат Бошқармаси ходимлари томонидан «Кулунда» ўтиш пунктида автобус текширувда ўтказилади. Текширув натижасида маълум бўлишича, тўрт нафар чет эл фуқаролари Россия Федерацияси ҳудудида ноқонуний равишда юришган экан. Барча чет эл фуқаролари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланиб, жавобгарликка тортилди. Натижада уларга нисбатан жами бўлиб 8 000 рубль миқдорда маъмурий жарима солинган.

**Бегона жойда тинч-осойишта яшаш учун, бу давлатнинг қонунлари ва қоидаларига риоя этиш лозим. Ана шундагина ҳар қандай текширувлар қўрқинчсиз бўлади.**

Янгиликлар

## Ўш шаҳрида тиббий хизмат ходим куни нишонланди

27 июн куни Қирғизистон жанубий пойтахтида шифокорларни ва тиббий хизмат ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этдилар. Шаҳар мэрлигида катта концерт дастури ва тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Айнан шундай тартибда: аввал концерт дастури, кейин эса-йиғилиш ўтказилди.

Тадбирга кўплаб меҳмонлар ташриф буюрдилар, шу жумладан Россиядан ҳам вакиллар иштирок этдилар. Булар асосан, қачонлардир Ўшда фаолият юритган, кейинчалик Россияга кўчиб келган шифокорлардир. Уларни ҳозиргача эсдан чиқармай, барча байрамларга таклиф этиб келмоқдалар.

Қирғизистонда анъанавий равишда июлнинг биринчи якшанбасини тиббий ходимлар куни сифатида нишонлаш белгиланган. 2012 йилда бу кун 1 июнга тўғри келди. Бу йилги байрамда Ўш шаҳрининг тиббий муассасалари ўртасида «2011 йилнинг энг яхши тиббий жамоаси» унвони учун танлов амалга оширилди.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда Ўшда 23 та даъволаш-профилактика муассасалари фаолият юритиб келмоқда. Бу ташкилотларда жами бўлиб 3 426 нафар тиббий ходимлар фаолият юритади. Шулардан 1 400 шифокорлар, 2000 нафари-ўрта тиббий ходимлар ҳисобланади.

## Ўшда гиёҳвандликка қарши курашиш кунида суратлар танлови ўтказилди

26 июн куни Сулаймон тоғи ён бағрида жойлашган «Олимбек Додха» этнографик мажмуасида Бутун жаҳон гиёҳвандликка қарши курашиш кунига бағишланган тадбирнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Байрам дастурида шаҳар ёшлари фаол иштирок этдилар. Ўтказилган тадбир ёшларга гиёҳвандликни зарари тўғрисида кўпроқ маълумот бериш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида амалга Ўширилди. «Олимбек Додха» этнографик мажмуасининг ёзги майдончасида гиёҳвандликни зарари тўғрисидаги плакатлар ва суратлар намойиш қилинди, шу билан биргаликда, ташкилотчилар шаҳарликлар орасида, қандай гиёҳванд моддалари мавжудлиги ва уларни инсон саломатлигига қандай зарар етказиши мумкинлиги тўғрисида саволжавоб викторинасини ўтказдилар.

Бундан ташқари, бу жойда ёзги саҳна ўрнатилиб, миллий куй ва рақс ансамбллари, таниқли қўшиқчилар иштирокида концерт дастури амалга оширилди. Байрам дастури якунланганидан сўнг, марказий майдонда 26 июн куни ўтказилган, енгил атлетика бўйича югуриш мусобақаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## Қирғизистон олимлари мамлакат тарихи бўйича китобни ёзишга тайёргарлик кўрмоқдалар

Қирғизистон ва қирғизлар тарихини ёзиш танловида ғолиб бўлган тарихчилар гуруҳи, 26 июнь куни 5 миллион сомли сертификатни олдилар.

Бу лойиҳани ташаббусчиси «Республика» фракциясининг Жогорку Кенешдаги депутати Алтынбек Сулайманов ҳисобланади. бундан бир неча кун олдин, яъни 20 майда тарихчилар ўртасида қирғизларни қадим замонлардан тортиб, ҳозирги вақтга қадар бўлган тарихи тўғрисидаги китобни ёзиш учун танлов эълон қилинган эди.

Танловда иштирок этган ҳоҳловчилар жуда кўпчиликни ташкил қилди, бироқ танловда тарих фанлари доктори, профессор Тынчтыкбек Чоротегин бошчилигидаги тарихчилар гуруҳи ғолиб деб топилган эди. Бу тарихчилар гуруҳи 7 томдан иборат қирғизлар тарихи концепциясини ёзганлар. Ёзилган китобни сиғими катталигидан ва ижодий интилишдан ҳайъат аъзолари ҳам лол қолганлар.

Тарих фанлари доктори, профессор Тынчтыкбек Чоротегин

## Транспорт соҳасидаги ўзгартиришлар

**Валидаторлар.** 1 июлдан бошлаб барча маршруткалар «Подорожник» («Йўлозиқ») картасидаги маълумотларни ўқиш учун махсус валидаторлар билан жиҳозланади. Ҳайдовчилар юриш картасига эга бўлган ҳар бир йўловчига хизмат кўрсатиши лозим, ҳаттоки машинада валидатор бўлмаса ёки яроқсиз ҳолатда бўлса ҳам. Агарда йўловчи ташиш машиналари ҳайдовчилари ушбу киритилган янгиликни ижро этишдан бош тортсалар, қонунга мувофиқ йўловчилар бепул боришини талаб этиш ҳуқуқига эгадирлар. 2012-2013 йилларда валидаторлар билан, шунингдек трамвай ва троллейбуслар ҳам жиҳозланади.

Маршруткаларда махсус валидаторлар ўрнатилади

**Кондукторлар.** Секин-аста автобуслардан, троллейбуслар ва трамвайлардан кондукторлар олиб ташланади. Транспортга фақатгина олдинги эшикларидан кириш лозим бўлади. Бунда, Москвадаги транспортлардагидек, турникетлар ўрнатилмайди, киришда одамлар тўпланиб қолмаслиги учун, юриш билетига эга йўловчилар орқа эшиклардан фойдаланишлари мумкин бўлади. Чиптасизларни аниқлаш ва жазолаш учун назоратчилар қўйилади. Назоратчилар сони кўпайтирилади.

**Янги трамвайлар.** Бу йили Транспорт қўмитаси 200 йўловчи сиғисига эга бўлган саккиста вагонни сотиб олади. Бу вагонларда ҳайдовчи кабинаси ҳар икки томонда бўлади: бу эса транспорт воситасинидан фойдаланишни анча қисқартиради. Эски трамвай йўллари навбатма-навбат янгиланиб борилади, лекин янги йўллар ҳозирча қурилмайди. Трамвайларни кондиционерлар билан жиҳозлаш ҳам тўхтатиб турилибди.

**Кечаю-кундузги автобуслар.** Петербургда метро йўналишлари бўйлаб, кечаю-кундуз ҳаракатланадиган автобуслар ва маршруткалар пайдо бўлади. Бу лойиҳа 2 июлдан бошлаб йўлга қўйилди, бироқ, дастлаб тунги транспорт фақатгина байрам ва дам олиш кунлари 15 дақиқали оралиқ вақт билан ҳаракатланади. Юриш ҳақи соат 00:00 дан бошлаб, 5:30 га қадар, одатдагидек 23 рубл бўлади. Метро йўналишлари бўйлаб ҳаракатланувчи тунги автобуслар, европанинг кўплаб давлатларида йўлга қўйилган – Берлин, Хельсинки, Лондон шаҳарлари шулар жумласидандир. Одатга кўра, бундан транспортларда юриш, кундузги транспортларга нисбатан қимматроқдир.

## Велосипедли Петербург

Яна бир транспорт янгилиги. Петербургнинг фаол велосипедчилари 1 июль куни «Велошаҳар учун» велосипед юришини уюштирдилар. Велосипедчи фаоллар шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб, оммавий юришни амалга оширдилар.

«Велошаҳар учун» велосипед юриши фаоллари

Мингдан ортиқ шаҳарликлар, кунлик ҳаракатланиш воситаси сифатида велосипедни қулай деб топиб, ҳукумат вакилларига нафақат қулай инфраструктурани эслатдилар, балки шу билан биргаликда, йўл ҳаракати қоидаларига бир неча ўзгартиришлар киритиш лозимлигини таклиф қилдилар. Велосипедчилар ЙҲҚ бандига, велосипедчиларни траспорт воситалари учун ажратилган йўлакдан юришларига рухсат берилишини таклиф этмоқдалар. Бу вақтинчалик қарор бўлиши мумкин, кейинчалик шаҳарда алоҳида велосипед йўлакчалари пайдо бўлади.

## Янги шакар заводини барпо этишга 108 млн. АҚШ доллари сарфланади

Тошкент вилоятидаги «Ангрен» махсус саноат зонаси худудида, суткасига 1000 тонна қувватига эга бўлган янги шакар заводини қуриш режалаштирилмоқда.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда ўзбек томони билан Welton International Enterprises Pte. Ltd., Kito Investment Pte. Ltd. Сингапур компаниялари ҳамда Seid Handelsgesellschaft m.b.H Австрия компанияси ҳамкорлик қилмоқда. Хорижлик инвесторлар 20 млн. $ низом фондига эга бўлган «Ангрен шакар» хориж корхонасини бунёд этадилар, корхона муассисларнинг маблағлари эвазига, шу жумладан уларни Ўзбекистонда ушбу фаолиятидан олинган даромадлари эвазига бунёд этилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2012 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда 89,1 минг тонна шакар ишлаб чиқарилган, бу кўрсаткич эса, аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 % га кўп деганидир. Умуман олганда ўтган йили, мамлакатда шакар ишлаб чиқариш 12,8 % га ўсган, яъни 322,7 минг тоннага етган.

## Ипак ва зираворлар фестивали

Бухоро шаҳрида «Ипак ва зираворлар» 12-чи фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда ўзбек халқининг кўп асрли анъаналари ва қадриятлари, миллий ҳунармандчилик муваффақиятлари, сайёҳликни ривожланиши намойиш этилди. Мамлакатни турли минтақаларидан ташриф буюрган ҳунарманд усталар ўз маҳсулотларини намойиш этдилар. Шу жумладан, Бухоронинг зардўзлик ва заргарлик буюмлари, Фарғона хон атласлари, Сурхандарё, Қашқадарё ва Хива гиламлари, Нурота каштадўзлик буюмлари ҳавола этилди.

«Ипак ва зираворлар» фестивалида

Тадбир иштирокчилари ва ҳорижлик меҳмонлар, шунингдек, Бухоро ҳунармандчиликни ривожлантириш Маркази томонидан намойиш этилган ўймакорлар ва заргарлар томонидан бажарилган ишлар билан танишиб чиқдилар.

## Италия билан музокаралар

2012 йилнинг 15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлигида Агостино Гилье бошчилиги остидаги Италия парламенти делегацияси, атроф-муҳитни мухофаза қилиш Комиссияси ҳамда Депутатлар палатасининг жамоат ишлари бўйича вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда парламентлар ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш масалалари мухокама қилинди. Шу жумладан, Ўзбекистонга уюштирилган ташриф доирасида имзоланган икки давлат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Меморандумда кўрсатиб ўтилишича, Ўзбекистон ва Италия парламентларида дўстлик гуруҳларини тузиш, тегишли депутатлик қўмиталари ва комиссиялари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон ва Италия жамоат давраларида ҳар иккала давлат томонидан 2012-2015 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик Дастури доирасида амалга оширилаётга тадбирлар ижобий баҳоланмоқда. Ушбу Дастур доирасида университетлар ва бошқа таълим муассасалари ўртасида маданият ва санъат, археология, тарихий-маданий бойликларни асраш ва мухофаза қилиш соҳасида мунтазам равишда, ҳамкорликдаги тадбирлар олиб борилади.

2013 йилда Ўзбекистонда илк бор тош кўтариш бўйича жоҳан чемпионати ўтказилади

Ўзбекистон полвонлар Федерацияси президенти Вахиддин Нажмиддиновнинг сўзларига кўра, жаҳон чемпионатини ўтказиш учун, Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Эстония, Польша ва Германия давлатлари ҳам номзодлик қилган. Жаҳон чемпионати келаси йилнинг март ва апрель ойларида Тошкент шаҳрида ўтказилади. Чемпионатда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларидан спортчилар иштирок этиши кутилмоқда.

## Тоҷикистон Рўзи вахдати миллиро ҷашн гирифт

27 июни соли 1997 президенти Тоҷикистон Эмомалӣ Раҳмон, раҳбари Иттиҳоди мухолифини тоҷик Саид Абдуллоҳи Нурӣ ва намояндаи вижаи Котиби кулли СММ оид ба Ҷумҳурии Тоҷикистон Герд Дитрих Меррем дар ҳузури Президенти Русия Борис Елтсин дар Маскав созишномаи сулҳ ва вахдати миллӣ дар Тоҷикистонро имзо карданд.

Тоҷикистон Рўзи вахдати миллиро ҷашн гирифт

Дар шаҳри Душанбе бахшида ба ин ҷашн консерт ва сайругашти идона баргузор гардид. Дар арафаи 15 солагии имзои созишномаи сулҳ ва истиқрори сулҳ президенти кишвар Эмомалӣ Раҳмон ба шаҳрвандон паём фиристод. 15 сол- 15 қадам ба сӯи сохтмони давлати соҳибистиқлол ва худкифо. Ин давраро президент ба ин тартиб баҳо гузошт.

Таҷлил аз Рӯзи вахдати миллӣ дар рӯзи чаҳоршанбе оғоз гардид. Дар маркази пойтахти Тоҷикистон 60 ҷуфт аҳди нигоҳ бастанд. Ба маҳзи анҷоми никоҳ сайру гашти дастаҷамъи ва консерт оғоз гардид. Худи ин рӯз дар кишвар истироҳат эълон гашта аст.

## Дар Шаҳристон 9 пул вайрон шуд

Дар пайи боронҳои шадид 25 июн обу лойи дар пайи борон ҳосилшуда навоҳии Шаҳринав, Шаҳристон ва шаҳри Кӯлобро зер кардааст. Тибқи иттилои Кумитаи ҳолатҳои фавқулъода, дар ноҳияи Шаҳринав роҳи мошингарди Душанбе-Пахтаобод ва 400 метри системаи обрасонӣ зарар дидааст.

Дар километри 206-уми роҳи автомобилгарди Душанбе-Кӯлоб-Хоруғ лойу оби дар натиҷаи борон ҳосилшуда ҳаракатро қатъ кард. Зарари бештар аз ин боронҳо ноҳияи Шаҳринав дидааст, ки онҷо зироатҳо вайрон, 9 пул барҳе қисман ва барҳе куллан хароб гардида, хати интиқоли барқ, системаи обрасонӣ, 3 км роҳи автомобилгард ва дигар иншоотҳои муҳим зарар дидааст.

## Путин дар Шӯрои Федератсия баромад кард

Президенти Русия Владимир Путин дар Шӯрои Федератсия баромад кард. Вай масоили ҳамкории палатаи Маҷлиси Федератсия, таҳлили фаъолияти Шӯрои Федератсия аз нуқтаи назари такмили қонунгузорӣ ва сиёсати давлатӣ ва рушди федерализмро баррасӣ кард.

Путин дар Шӯрои Федератсия баромад кард

Дар арафаи баромади Путин сенаторҳои Русия масъали бознигарии шартнома бо Тоҷикистонро, ки ҳоло ба ҳайати Иттифоқи гумрукӣ шомил нест, аммо бо Русия муносибати танго танг дорад, баррасӣ карданд. Сухан дар мавриди ҳамкории ду кишвар дар самти анҷоми кор оид ба безараргардонии партовҳои сухти ракетҳо меравад.

Дунё хабарлари

# Рио+20

***20-22 июнь кунлари Рио-де-Жанейро шаҳрида қисқача қилиб «Рио+20» деб номланган барқарор тараққиёт юбилей Конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга 100 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари ташриф буюрдилар. Тадбирда жами бўлиб, 40 минг киши иштирок этган. Иштирок этганлар ичида, давлатлар ҳукуматлари, парламентлар вакиллари, шаҳар мэрлари, фуқаролик уюшмалари вакиллари ҳам бор. Бундан ташқари, Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Дмитрий Медведев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовлар ҳам қатнашган.***

Ушбу тадбирга 1992 йил Рио шаҳрида ўтказилган «Ер сайёраси» юқори даражали учрашувида асос солинган эди. Йигирма йил ўтиб, Рио+20 Конференциясида иштирок этиш учун тўпланган халқаро етакчилар, хусусий секторлар, нодавлат ташкилотлар ва бошқа етакчи ташкилотларнинг минглаб вакиллари ўзаро биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан концепция ишлаб чиқишди. Ушбу Концепциясининг мазмун ва моҳияти, камбағалчиликни иложи борича камайтириш, ижтимоий адолатпарварликни ривожланишига кўмаклашиш ва сайёрамизнинг аҳоли сони тобора кўпайиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, атроф муҳитни етарли даражада ҳимоя қилиш бўйича керакли чора-тадбирларни кўришдан иборатдир.

Расмий музокараларда икки асосий мавзу мухокама этилди, булар: барқарор тараққиёт ва одамларни қашшоқликдан чиқаришга эришиш учун қандай қилиб «яшил иқтисодиётни» яратиш мумкин ва барқарор тараққиётнинг халқаро мувофиқлигини яхшилаш мавзуларидир.

Бундан йигирма йил олдин сайёрамизда 5,5 миллиард аҳоли истиқомат қиларди. Бугунгу кунга келиб эса, аҳоли сони 7 миллиардга етди. 2030 йилга келиб, ҳозирдагидек яшаш учун 50% кўпроқ озиқ-овқат, 45 % кўпроқ энергия ва 30% кўпроқ сув талаб этилар экан. Бугунги кунда сайёрамизнинг ҳар бешинчиси – 1,4 миллиард киши-кунига 1,25 АҚШ доллари ёки камроқ маблағ эвазига яшамоқда. Бир ярим миллиард киши электр энергиядан фойдаланиш имкониятига эга эмас, икки ярим миллиард кишилар ҳожатхоналарига эга эмас, деарли бир миллиард одамлар ҳар куни оч қоладилар. Айнан мана шу муаммоларни ҳал этиш, концеренцияга йиғилган дунё етакчиларини бош вазифасидир.

**Антон Грушин**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Рио-де-Жанейро шаҳридаги Конференцияда

## 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан уюштирилган «Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлида» мавзусидаги чиқишни муҳим жойларини эътиборингизга ҳавола этамиз

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистон тараққиёт миллий андозасини амалга оширишда энг асосий эътиборни макроиқтисодий режалаштиришни табиат мухофазаси ва ижтимоий сиёсат билан уйғунлигига қаратмоқда.

Ўзбекистон, Минг йилликни Тараққиёт Мақсадларига (МТМ) эришиш бўйича оммавий жараёнларни иштирокчиси сифатида, 2000 йилдаги минг йиллик Саммитида қўйилган вазифаларни режага асосан амалга ошириб келмоқда, булар асосида 2015 йилгача мўлжалланган Миллий МТМ ишлаб чиқилди. МТМ муваффақиятлари давлат даражасигача кўтарилди. Сўнги йиллар мобайнида давлатни ижтимоий соҳадаги ва ижтимоий ҳимоя қилишдаги харажатлари 5 бараварга ошди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи ижтимоий соҳаларга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида макроиқтисодий барқарорлиги ва иқтисодий секторларни мувозанати таъминлаб берилди; иқтисодий ўсишнинг суръати йилига ўртача 7-9% ни ташкил қилади. Тузилмали ислоҳотлар ва иқтисодиёт соҳаларини диверсификацияси амалга оширилди, фаол инвестицион сиёсат, ишлаб чиқариш соҳаларини техник такомиллаштириш амалга оширилди.

Ўзбекистон атроф-муҳит мухофазасига катта эътибор қаратилмоқда. Бир қатор мақсадли давлат дастурлари ва миллий саъй-ҳаракатлар режалари амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакат 12 та халқаро-ҳуқуқий меъёрлар бўйича ўзига қабул қилган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда. Атроф-муҳитни мухофаза қилиш бўйича ҳаракатларнинг миллий режалари ишлаб чиқилди, унга кўра, муҳим экологик муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш йўллари танланди. Ушбу режани келажакда амалга ошириш мақсадида, 1999-2000 йилларга, ҳамда кейинги даври 2008-2012 йилларга мўлжалланган, атроф-муҳитни мухофаза қилиш бўйича ҳаракатлар Дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Шу билан биргаликда, бир қатор ҳал этилмаган муаммолар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг мўътадил иқлим ҳудудида жойлашган бўлиб, бугунги кунда иқлимни глобал ўзгариши, чегара олди ҳудудларида атмосфера ҳавосини ифлосланиши, ерларни харабозорга айланиши ва таназзулга юз тутиши, биотурлиликни йўқотилиши, сув ресурсларини сифатини пасайиши каби экологик муаммолар билан тўқнаш келмоқда. Буларнинг барчаси бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни сабаби бўлиб қолмоқда.

Экологик фожиа оқибатида юза келган муаммоларни ҳал этиш, жиддий эътибор қаратиш лозимлигини талаб этади-Орол денгизини қуриб бораётганлиги, Орол ҳавзаси атрофида истиқомат қилувчи миллионлаб одамларни яшаш шароитига катта салбий таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиё давлатлари учун энг танқис, муаммоли ресур бу сув ҳисобланади. 30 млн. атрофида аҳоли истиқомат қилувчи Ўзбекистон учун сув ресурслари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим асоси ҳисобланади. Ўзбекистонни суғориладиган ерларини сув таъминоти, аввалгидек, дарё юқорида жойлашган қўшни давлатларнинг сув хўжалиги сиёсатига боғлиқлигича қолмоқда, бу давлатларниг ҳатти-ҳаракати, асосий дарёлар бўлган Амударё ва Сирдарёнинг оқими ўзгаришига олиб келмоқда ва уни қишлоқ хўжалик соҳасида фойдаланиш учун номувофиқ этиб қўймоқда.

Ўзбекистон келажакда ривожланган давлатлар қаторига қўшилишни, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш ва янада чуқурлаштириш ва мамлакатни замонавийлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва бу асосларда ўз фуқароларини муносиб ҳаётини таъминлаб беришни кўзда тутмоқда.

Умид қиламизки, режалаштирилаётган чора-тадбирларни босқичма-босқич бажарилиши мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва экологик соҳаларини барқарор тараққиётини таъминлаб беради. Фақатгина ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан бутун дунёдаги, шу жумладан Марказий Осиёдаги экологик, ижтимоий ва иқтисодий мувозанатни бузилиш жараёнларини олдини олиш мумкин.

Ушбу Конференциянинг натижалари муҳим аҳамият касб этади, булар асосида биз, 2015 йилдан сўнг, барқарор тараққиёт йўлида миллий дастурлар ишлаб чиқишни кўзда тутмоқдамиз.

Эътиборларинг учун ташаккур!

Муштарийлар ижоди

# «Ижод куртаклари» танлови!

***Ҳурматли муштарийлар! Эслатиб ўтамиз, «Турон» газетасининг «Ижод куртаклари» деб номланган танлови давом этмоқда.***

Танлов шартларига кўра, танловда ёши, ирқи, дини, жинси, фуқаролигидан қатъий назар, барча фуқаролар иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этиш учун таҳририятимиз манзилига, ўз ижод асарларингизни жўнатишингиз керак. Ўз қаламингизга мансуб ижод асарлари-ҳоҳлаган мавзудаги шеърлар, қиссалар, ҳикоялар, мақолалар ва суратлар бўлиши мумкин.

Танловда иштирок этаётган барча ижод асарлари, газетамизда мунтазам равишда чоп этиб борилади. Танлов жорий йилнинг якунига қадар давом этади. Асарларни жўнатаётганингизда ўзингизни қисқача таржимаи ҳолингизни ва суратингизни юборишни, ёддан чиқарманг!

Йил якунида танловга якун ясалиб, танловда фаол иштирок этган энг яхши ижод асарлари муаллифлари муштарийлар ёрдамида аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Эслатиб ўтамиз, юборилаётган асарлар сиёсий ёки миллатчилик ҳолатларини келтириб чиқарадиган мавзуларда бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, РФ нинг муаллифлик қонунига, Рекламалар тўғрисидаги қонунига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Танлов ташкилотчилари юборилган материаллар танлов талабларига зид бўлса, чоп этмаслик ҳуқуқига эгадирлар.

Ижод асарларингизни кутиб қоламиз!

Таҳририят манзили: Санкт-Петербург ш. Обуховская оборона пр. 116 уй лит. А оф. 27
тел: 8 (812) 309-73-06, 309-46-06 ;
E-mail: turangazeta@yandex.ru
www.turangazeta.ru

# «Ижод куртаклари» танловининг дастлабки иштирокчиси

***Ҳурматли муштарийлар! Газетамизнинг аввалги сонидан хабар қилиб ўтганимиздек, «Турон» газетаси «Ижод куртаклари» деб номланган танловни эълон қилди. Танловда иштирок этишни истаганлар, ўз қаламига мансуб ижод асарларини таҳририятимизга йўллашлари керак. Ҳозирги кунга қадар таҳририят манзилига бир неча электрон мактублар келиб тушди. Қуйида Анваржон исмли шоир йигитимизнинг шеърий сатрларини эътиборингизга ҳавола этамиз, ўқиб маданий хордиқ чиқаринг азизлар!***

### Маълумотнома

Анвар Исманов,1978 йили 17 октябрда Фарғона вилоятининг Риштон туманида таваллуд топган. Отаси ўқитувчи, онаси нафақахўр. 11 ёшидан бошлаб, шеъриятга меҳр қўйган. Бўш вақтларида турли мавзуларда шеърлар ёзиш билан шуғулланади. Айни вақтда Татаристон Республикасининг Қозон шаҳрида меҳнат фаолиятини юритмоқда.

Танлов иштирокчиси – Анвар Исманов

### Онажон

*Кетибман олисга, сиздан олисроқ,*
*Кўнгилда соғинчим, баданда титроқ,*
*Кўрмадим меҳрибон, сиздайин бироқ,*
*Мендан розимисиз, айтинг онажон?!*

*Ўзга раво билдим, мард қалқонини,*
*Хатто ғамхўр айладим, ёв аҳволини,*
*Ким ҳам ёмон дерди, ўз бахт ниҳолини,*
*Мендан розимисиз, айтинг отажон?!*

*Биламан, бегуноҳ фаришатамасман,*
*Гоҳ оқилу доно, ҳар ишдамасман,*
*Аммо бандасини қарғишидамасман,*
*Мендан розимикан, бор аҳли инсон?!*

### Эзгулик

*Бир дарахт, мингта барг, то хазонгача,*
*Бир ўлим, бир бошга, танда жонгача,*
*Ғийбату хиёнат, гоҳ тақибу таҳдид,*
*Эҳ, яхшилар хору зор, то қачонгача?!*

*Бири фарзандга зор, адо доғида,*
*Бирида боламас, илон қучоғида,*
*Онаки, гўдакдин кечгани ҳам бор,*
*Шайтонга қул бўлган, нафс дучорида.*

*Айтмадимку барчани, бемеҳр билиб,*
*Одам бор ғамни хам, қаршилар кулиб,*
*Эҳ Анвар, эзгулик изла фонийдин,*
*Боқийда асрайди, қалконинг бўлиб!*


Авто “уйи”
совға, туҳфа
ялиниш, ўтиниш
ТНТ, ТТВ, “Ёшлар”
чироқ кули / тўп дарвозада
эшик ... очиқ
маргарин тури
... бўлса ўрни бошқа
... Маркс / Озарбай жонликлар
салом-...
“Мона Лиза” сурати
сув йўнали ши
тўй артисти (жарг.)
дала ховли / ... Замах шарий
лотинча “Т”
... и асал, насия касал
мактуб, хат
футбол ҳолати
чалкаш чигал
қадим
... де Мопас сан
шудгор пайкал
тарз, зайл
чорсу савдо ....
“қони қарли” бахо
дарвеш таёғи
саратон касал лиги
ядровий қурол
ғоя (русча)
... ўлчаб бир кес
...-тешик
итальян ча “ҳа”
инкор юклама си
сақич, конфет
...-қомат
туман Бухоро
Қош қоқиш
Қур!
Жет ... (актёр)
Черков ходимаси
“Қирол ...” (Шекспир)
... юр-ган таёқ ейди
ноги-ронлар газетаси
рухсат, ижозат
юз (рус)
“финиш” акси
узум кислота си
сериал (ОРТ)
мансаб лавозим
ором, хордиқ
хам қарз хам... / саноқ бирлиги
комил, баркамол
Юм-юм дўсти (мульт.)
хамир туриш
колбаса тури
кино жанр
оға...
Адам жуфти
зичлик харфи (физика)
ўзбек митти автоси
газета саҳифаси
фавво рали сув хайвони
тўти тури
андиша номус
ким (рус.)
рубрика
саккиз электрод ли лампа
...-шавқ
... -93 (бензин)